

INDEKS 1072



EZGU FIKR, EZGU SO'Z, EZGU AMAL!

21-OKTABR – O'ZBEK TILIGA DAVLAT
TILI MAQOMI BERILGAN KUN

ILM SARCHASHMALARI

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING
ILMIY-NAZARIY, METODIK JURNALI



ISSN 2010-6246



0772010624002

2021-10

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komisiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

10.2021

**научно-теоретический методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2021

“ILM SARCHASHMALARI” ilmiy-nazariy, metodik jurnal

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

TAHRIR HAY’ATI:	
JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN	ABDULLAYEV Bahrom , fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom , biologiya fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV Ilyos , iqtisod fanlari doktori, ABDULLAYEV Ravshanbek , tibbiyot fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV O’tkir , tarix fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana , pedagogika fanlari doktori, professor, BERDIMUROTOVA Alima , falsafa fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek , tarix fanlari doktori, DO’SCHONOV Tangribergan , iqtisod fanlari doktori, professor, ERMETOVA Jamila , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, HAJIYEVA Maqsuda , falsafa fanlari doktori, IBRAGIMOV Zafar , fizika-matematika fanlari nomzodi, IMOMQULOV Sevdiyor , fizika-matematika fanlari doktori, JUMANIYAZOV Maqsud , texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otaboy , filologiya fanlari nomzodi, professor, KALANDAROV Aybek , filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas’ul kotib), NAVRUZOV Qurolboy , fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash , yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa’dulla , falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QUTLIYEV Uchqun , fizika-matematika fanlari doktori, professor, RO‘ZIYEV Erkinboy , pedagogika fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy , fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SADULLAYEVA Nilufar Azimovna , filologiya fanlari doktori, SAGDULLAYEV Anatoliy , tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San’atbek , iqtisod fanlari doktori, professor, SALAYEVA Muxabbat Soburovna , pedagogika fanlari doktori, SATIPOV G‘oipnazar , qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor , pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘ribbosari), YOQUBOV Jamoliddin , filologiya fanlari doktori, professor, O’ROZBOYEV Abdulla , filologiya fanlari doktori, O’ROZBOYEV G‘ayrat , fizika-matematika fanlari doktori, G‘AYIPOV Dilshod , filologiya fanlari nomzodi, dotsent.
JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI	
2021 10(172)	

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida 2020-yil 11-noyabrdan o‘tgan. **GUVOHNOMA № 1131.**

лари сўзнинг маъно таркибига ташкилий қисм сифатида киритилиши мумкин эмас, чунки улар тил сатҳида объектив ҳодиса эмас” лигини таъкидлайди.¹

“Хурсандчилик”, “нафрат”, “ғазаб” ва шу каби сўзлар инсоннинг эмоционал туйғулари идрор килиш натижасини ифодалаш билан боғлиқдир. Бунда сўзлар хис-туйғуни эмас, тушунчани ифодалайди. Лекин бундай ҳолларда мантиқий ва хис-туйғу узвий боғланиши зарурлиги кузатила-ди.

Эмоционаллик ҳақида гапирилганда, икки ҳодисани чалкаштирмаслик керак: “эмоционал-лик” ва “эмоционал бўёқдорлик”. Эмоционал бўёқ объектив мавжуддир, у сўзнинг нутқда актуаллашишидан холи саналади. Эмоционалликни тил тизими элементи сифатида қараш мумкин. Эмоционаллик элементлари сўзнинг семантик тузилиши тизимига кириши мумкин. Улар сўз ясовчи шакллар орқали ясалган эмоционал сўзлар билан ифодаланади. Мисол учун: *L'esprit chagrin attriste les objets les plus riants. C'est ainsi qu'il quitta renfermant la porte ce mysterieux endroit qu'il ne devait plus revoir (A.Fournier). Depeignees, les cheveux, filasse, la peau grise, les traits plombes, les malheureuses etaient horribles (A.Lanoux).*

Эмоционал бўёқли сўзларнинг вазифаси – борлиққа эмоционал муносабат билдиришидадир. Чунки эмоционаллик доим экспрессивликка эга.² Эмоционалликни алоҳида категорияга ажратмай, тилнинг эмоционал элементли экспрессив воситали қисми, деб аташ мумкин.

Агар стилистик рангдорлик тил мазмунининг ажралмас қисми бўлса, унда бу ҳодиса уни грамматик ва лексик мазмунлар қаторидаги стилистик мазмунни ҳақида гапириш мумкин.³

Хуроса қислак, функционал стилистик ва экспрессив воситалар стилистик мазмунгага эга ва уларга тилнинг экспрессивлик, функционал, баҳоловчи воситалари сифатида қаралади. Стилистик мазмун тушунчасини эпитетга нисбатан қўлланиши тил бирликларида экспрессивликнинг предметни мантиқий маъносига боғлиқлигидадир. Предметнинг белгисини билдирувчи сифатловчилар потенциал эпитет сифатида қаралиши мумкин.

Сўнгги йилларда стилистик маъно ҳақида гапирилганда, экспрессив баҳоловчи элементли тил воситаларига таъсир қилиш воситалари тизими сифатида катта эътибор берилмоқда. Бу тил воситаларини тилнинг алоҳида соҳаси прагматикада ўрганишга ҳам ҳаракат қилинмоқда.

Прагматик тизимда стилистик мазмунни ҳосил қилиши эпитетни прагматик хусусиятларини тадқиқ қилишни тақозо киласди. Уни синтагматикада гап кетаётган обьект ҳақида кўшимча маълумот манбаи сифатида изохланиши ўз ечимини кутаётган муаммолардан биридир.

Зокирова Наргиза Савиевна (БухДУ Таржимашунослик ва лингводидактика кафедраси ўқитувчиси) БАДИЙ ШЕЪРИЙ ТАРЖИМАДА ҒАЙРИЛИСОНИЙ ЖИҲАТЛАРНИ САҚЛАШДА ЭКВИВАЛЕНТЛИК ВА АДЕКВАТЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада ҳозирги кун таржимашунослик соҳасида долзарблик касб этган эквивалентлик ва адекватлик тамойилларининг таржимада экстрадингвистик жиҳатларни воқе-лантиришидаги роли таҳлил қилинган. Таржимада руҳият, маданият, ижтимоий муҳит каби гай-рилисоний аспектларнинг ёритилишида адекватликка эришишининг асосий омиллари таржимашунос олимлар илгари сурган назарий фикр ва мулоҳазалар асосида ўрганилган.

Аннотация. В статье проанализирована роль принципов эквивалентности и адекватности в реализации актуальных в настоящее время в области переводоведения – экстрадингвистических аспектов перевода. Основные факторы достижения адекватности в репрезентации неязыковых аспектов, таких как психика, культура, социальная среда при переводе, были изучены на основе теоретических идей и соображений, выдвинутых учеными-переводчиками.

Annotation. The article analyzes the role of the principles of equivalence and adequacy in the implementation of extralinguistic aspects of translation that are currently relevant in the field of translation studies. The main factors in achieving adequacy in the coverage of non-linguistic aspects such as psyche,

¹ М.Н.Кожина. К основаниям функциональной стилистики, Пермь, 1968, с. 136.

² Винокур. О содержании некоторых стилистических понятий. Сб. Стилистические исследования, М., 1972, с. 29.

³ С.Н.Сыроваткин. Значение высказывания и функции языка в семиотической трактовке. “В.Я.”, №5, 1973, с. 16.

culture, social environment in translation are presented on the basis of theoretical ideas and considerations put forward by translation scholars.

Калит сўзлар: таржима, эквивалентлик, адекватлик, таржимон маҳорати, бадий адекватлик, бадий матн.

Ключевые слова: перевод, эквивалентность, адекватность, переводческое мастерство, художественная адекватность, художественный текст.

Key words: translation, equivalence, adequacy, translator skills, literary adequacy, literary text.

Замонавий таржимашуносликда аслият бирликлари функциясини аниқлаш, қиёсий тадқиқ қилиш ва шу функцияни бир тилдан иккинчи тилга ўғиришнинг назарий асосларини ишлаб чикиш каби устувор йўналишлар соҳа олимларининг дикқат-эътиборини тортиб, катта баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Таржима илмида бадий таржиманинг мукаммал бўлишида эквивалентлик мұхимми ёки адекватлик каби саволлар ҳам ўз ечимини кутаётган масалалардан.

Эквивалент лотинча “aequivalens” сўзидан олинган бўлиб, “тeng кучли”, “бир хил маънода” деганидир. Тилшунос, таржимашунос олимлар эквивалентликнинг бир неча типлари мавжуд эканлигини таъкидлашади. Адекватлик тушунчаси эса эквивалентликдан кўра кенгроқ қамровга эга. А.Гончарнинг фикрича, эквивалентлик таржиманинг аслиятга яқинлашувини таъминловчи бир омил, холос. Матннинг аслиятга яқинлашув даражалари кўплаб омилларга, хусусан, тил ва маданиятларнинг бир-бирига яқинлик жиҳати ва таржима қилинаётган матннинг характеристига боғлик. Шу ўринда, эквивалентлик хусусидаги фикрга эътибор қаратсак. Олим шундай ёзади: “Эквивалентлик – бу ахборотнинг мазмунан, семантик, услугубий ва функционал жиҳатдан яқинлиги ва боғлиқлигининг сақлаб қолиниши. Адекват таржима эса прагматик муаммоларни эквивалентликнинг максимал даражасида ҳал этади ва жанрнинг услугубий талаби ва таржима имкониятидан келиб чиқиб, тил меъенинг бузилишига йўл қўймайди”.¹ Шунингдек, олим адекватлик эквивалентликнинг бир поғонасидир, яъни эквивалентликнинг мезонларидан, деб ҳисоблайди. А.В.Феодоров эса, умуман, бу терминга ҳожат йўқлигини, “адекватлик” истилоҳининг ўрнини тўлиқ таржима жумласи билан ўзгартириш кераклигини таъкидлади. Таржимада аслиятнинг нолисоний жиҳатларидан (оҳанг, рухият, услугуб) нимадир сақланиб қолганлигини англатади. Адекватлик масаласида адабиётшунос-таржимонларнинг қарашлари тилшунос-таржимашунослардан фарқ қиласи, шу маънода В.С.Виноградов шеърий таржима факат аслиятга адекват бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Унингча, бадий таржиманинг ўз ижодкори, яратувчиси, тил манбаи ва услуби мавжуд.

Адекватлик муаммосига тўхтатланган олимларнинг бирортаси бадий таржима, хусусан, шеър таржимасида рухият, ғоя, ботиний маъно ва оҳанг каби мухим омилларсиз адекватлика эришиш мумкин бўлмаслигига ахамият бермагани, бу муаммо ҳануз ўз ечимини топмаганини кўрсатади. Таржима матнини таҳлил қилишда жараённинг лингвистик томонларига эътиборнинг сусайиши мутаржим ишига объектив баҳо беришда мужмалликка олиб келиши мумкин. Энг яхши таржима аслият билан тўлақонли мослик касб этадиган таржимадир. Мослик даражаси фақат матнларнинг лисоний мувофиқлиги билан эмас, балки “бадий адекватлик” билан ҳам баҳоланиши керак. Бу нима дегани? С.Ф.Гончаренконинг фикрича, масалан, шеърий таржимада бу аслиятдаги услугубий жиҳат ва шеърий матн хусусиятининг (ўлчам ва рифма) таржимада акс этганлиги билан белгиланади. Бадий адекватлик тушунчаси икки тил, яъни, аслият ва таржима тилининг поэтик хусусиятини бир маромда сақлаб туриши лозим.

Э.Клиффорднинг фикрича, эквивалентлик билан чекланувчилар “матн – бу система (тизим)”, деб қарасалар, адекватлик тарафдорлари “матн – бу тирик организм”, деб ҳисоблайдилар. Ҳар бир матнни “тирик организм” деб ҳисоблаш, мазкур ғояни ўз маслаги деб билиш ва шу нуқтаи назардан ишга масъулият билан ёндашиб асл нусха рухияти ва ғоясини таржимада аниқ бера олиш имкониятини яратади.²

Хўш, тўлақонли адекватлика қандай эришиш мумкин? Таржимага баҳо беришдан аввал таржимон маҳорати ва машаққатини кўз олдимишга келтирсан. Масалан, шеърий таржима билан шуғулланувчи таржимон, таржима жанрлари ичида энг мушкул ва мураккабини танлаган ижод-

¹ Гончар Н.Г. Асимметрия в переводе художественного текста: этнолингвокультурный аспект. Дисс...канд. филол. наук. Тюмень, 2009, 57 с.

² Clifford E. Landers. Literary translation: A.Practical Guide.New Jersey City University. Cromwell Press. LTD., 2001, p. 64.

кордир. У таржиманинг ҳаққоний ва аниқ чиқиши учун таржима қилинаётган матнинг бошқа тилдаги эквивалентларини ўрнига қўйиш билан чекланмайди. Сабаби шеърда сюжет, воеалар ривожи ва композиция билан бир қаторда, кучли ҳис-туйғу мавжуд. Шеърнинг руҳиятига тобора кира билиш ва уни таржимага кўчириш эса аслият тилини ва шеърий услубларини мукаммал эгаллашни талааб этади. Бу дегани таржимон шоир ҳам бўлиши демакдир. Шеърни шоирдек тушуниш, шоирлар билан ҳамкорлик қилиш таржималарнинг яна-да аниқ чиқишига ўз ҳиссасини қўшади. Биринчи навбатда, таржимон ишга (таржимага) ўз муносабатини, яъни, мақсад эквивалентликка эришиш ёки адекватликками, буни аниқлаб олиши лозим. Таржимон бир тилдан иккинчи тилга шеър ёки поэмани таржима қилас экан, ўз миллий адабиётида учрамаган янги шеърий оҳанг ёки жанрга дуч келади. Ўз тили имкониятларидан келиб чиқиб мазкур асарни таржима қилишга уринаётган мутаржим шу шеърдаги рух ва шеърнинг аслиятдаги жарангидан бехабар бўлса, шеърнинг жилосини ва эстетик завқ бағишлочи бўёқдорлигини тушириб таржима қилади. Бу эса, ўз навбатида, таржиманинг саёзлашувига, китобхонлар учун нотаниш тилда ёзилган асарнинг муаллифи ижодига нисбатан қизиқишнинг пасайишига олиб келади. Шарқ ва Farb маданий алоқалари тарихига назар ташлар эканмиз, қадимдан миллатлараро тутувлик ва дўстона алоқалар ривожида таржиманинг ўрни қанчалик катта эканлигининг гувоҳи бўламиз. Таржима фаолиятининг тасаввур килиб бўлмас даражада кенг ривожланиши унга бўлган қизиқишни факатгина янгича ўй билан эмас, балки уни илмий бир тизимга солиш ҳамда ёзувчи, адаб ва олимларнинг танқидий фикрини инобатга олиб, шу соҳада йигилган катта тажрибаларни умумлаштиришни талааб қилади. Бугунги кунда ҳар бир мутаржим таржима қилинадиган асар ёхуд материални қўлга олар экан, аввало, ўша таржиманинг жамият тарихи, маданияти, адабиёти ва ушбу асарга тегишли ҳар бир деталини чамбарчас ўрганиб чиқиш лозим. Шулар билан бир қаторда, таржима матнда лингвистик позициядан адекват деб топилган лексемалар шеършунос-таржимашуносларни қониқтирумаслиги мумкин. Масалан, тадқикотчи Н.Исамуҳамедова В.Шекспирнинг “Отелло” драмасидан “she was falce as water” иборасининг Faфур Fулом ва Жамол Камол таржималарида берилеш услубини таҳлил қилас экан, “water” (сув) лексемасининг когнитив харитасини тузади. Унга биноан, лугатларда берилган “сув” лексемасининг *хавотир* ва *хавф* билан боғлиқ ассоциацияга эга тушунча эканлигини аниқлади. Шунинг учун ҳам *false* сўзининг луғавий маъносини келтиришни тўғри ҳисоблади. Буни тадқиқотчининг Faфур Fулом ва Жамол Камол таржималарини жадвал воситасида таҳлил қилиб, Ж. Камолнинг сувга нисбатан қўллаган *бетийиқ* ва *бекарор* сифатидан F.Гуломнинг алдамчи, риёкор сифатини адекват, дейишида кўриш мумкин. Н.Исамуҳамедованинг ушбу масалага лингвистик ёндашувини қўллаб-кувватлаган ҳолда шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, бадий таржима жараёнида факат лингвистик жиҳатлар инобатга олинса, адекватликка эришиш борасида умумий маҳражга келиш қийин кечади. Бироқ, Н.Исамуҳамедова хулосасига адабиётшунослик доирасида қарайдиган бўлсак, баҳо беришда муносабатимиз ўзгача мазмун касб этиши мумкин. Маълумки, *false* сўзининг қўйидаги контекстуал муқобиллари мавжуд:

1. wrong (нотўғри, хато), incorrect (хато, нотўғри, ноаниқ). 2. spurious (сохта). 3. improper (номунофиқ, нотўғри). 4. deceptive. (алдамчи, адаштирадиган). 5. deceitful (сунъий, сохта). 6. Treacherous (хоинона, ишончсиз). 7. unfaithful (хиёнаткорона, мунофиқона). 8. not genuine (аслияти эмас, тоза кўнгилли эмас). 9. fake (ясама нусха, фирибгарона). 10. betrayal (сотқинлик, хиёнат). 11. Artificial (сунъий, юзаки). Уларни бир тизимга келтириб, умумий маънодошлари аниқланса, таржимада сўз танлаш муаммоси анча равшанлашади.

False: wrong, incorrect, spurious, improper, deceptive, deceitful, treacherous, unfaithful, not genuine, fake, betrayal, artificial.

Бетийиқ, бекарор (Ж.Камол таржимасида):

Бир қарорида турмайдиган, субутсиз, ишониб бўлмайдиган, бевафо, алдамчи, иккиюзламачи, риёкор, ишончсиз, уятсиз, ваъдабоз, лафзсиз,

Кўринадики, Ж.Камол томонидан амалга оширилган таржима вариантининг муқобил маънолари аслиятдаги сифатнинг муқобил маъноларига деярли тўғри келади. Шундай экан, таржимада ҳар иккала таржимон келтирган сифатлар бир умумий маънони, яъни, Дездемонанинг севгида событ эмаслиги, ўзгарувчанлиги, бевафолигини англатиш учун тўғри қўлланган. Аммо лингвистик жиҳатдан адекват бўлиши мумкин бўлган “алдамчи ва риёкор сув” ўзбек шеъриятида сунъий информади саналади.

Адекватликнинг қатъий талабларидан яна бири маъно ва ифода адекватлигидир. Бизнинг фикримизча, Ж.Камол томонидан амалга оширилган таржима F.Гулом таржимасига нисбатан кўп-

рок адекватлик касб этади, дейиш асосли. Бу ерда инглиз тилидаги *false*нинг маъноси бузилмаган; *false* алдамчилик ва риёкорликнинг маъно муқобиллари бўлган бекарорлик ва бетийикликнинг айнан ўзидир. Демак, когнитив таҳлилнинг муҳим компонентларидан бири маъновий ёндашув бўлмоғи лозим. Адекват таржимада рецепторнинг матнни тушуниши ва ҳис қилишига шароит яратмоқ лозим. Ўзбек китобхони учун “Оқар сувдек, у алдамчи, риёкор эди”дан кўра “Оқар сувдай бетийик, бекарор эди” мисраси кўпроқ тушунарли ва айни пайтда бу ибора инглизча “false as water” иборасига адекват қабул қилинади. Тилларо систем, таркибий ва мазмуний номутаносибликнинг мазкур ҳолатларда намоён бўлиши таржимада тилларо асимметрияни инобатга олиш аслиятдан таржима ўкувчиси нуқтаи назаридан ортиқча хисобланадиган унсурларни чиқариб ташлашни ҳамда аслият ва таржима бирликларининг қийматини белгиловчи семантик трансформацияларни тақозо этади. Бу трансформациялар прагматик, стилистик, функционал-семантик мосликини юзага келтиради.¹

Шундай қилиб, адекват таржима эквивалент таржиманинг юқори даражадаги кўриниши бўлиб, унда лексик-семантик мувофиқлик рецептор бадиий тафаккури ва бадиий тасвири идрок этиш ўлчамларига уйғун бўлиши лозим. Шунингдек, рухият ва оҳангни сақлаш адекватликни таъминлашда муҳим омил бўлиб, таржимондан тегишли адабиёт илмларидан талаб даражасида хабардор бўлишни тақозо этади.² Аслият таржима жараённида анча-мунча қисқартиришлар, ўзгача талқинларга учрайди. Аслият таржимоннинг иродаси билан соддалаштирилади. Эквивалентлик бу ҳолатда жуда нисбий тарзда намоён бўлади ва бу тамойил таржимада адаптация деб юритилади; сўзларнинг маъноларини англашда эквивалентликка эришилади. Умумий хulosага келадиган бўлсақ, ўзбек олимларининг бир қисми (И.Ғафуров, Ш.Сирожиддинов, Г.Одилова, Й.Й.Арустамян) фикрларидаги адекватлик ва эквивалентлик борасида қуйидагича хulosага келиш мумкин: эквивалентлик-тўла лингвистик муқобиллик; адекватлик – экстралингвистик факторларни ўз ичига қамраб олган тенг прагматик мувозанатни сақлаб қолган таржима.³ Лекин таъкидлаш жоизки, адекват-лик нисбий тушунча бўлиб, таржима маҳсули аслиятга шакл ва мазмун жиҳатдан мутлақ тарзда мутаносиб бўлавермайди. Аммо таржимада адекватликнинг баъзи мезонлари сақланиб қолади. Масалан, оҳанг адекватлиги, рухият ва ғоя адекватлиги, бадиий услугуб адекватлиги кабилар. Шу унсурларнинг таржимада таъминланиши таржиманинг эквивалент эмас, балки адекват эканлигини кўрсатади.

Демак, мутаржим таржима жанрининг стилистик талабларидан келиб чиқиб, ўз позициясини белгилаб олиши лозим. Яъни, таржимон ўзи уddyаламоқчи бўлган иш (таржима) билан танишиб чиқади ва ўз позициясини таржима туридан келиб чиқиб, аниқ белгилайди. Адекват таржима эквивалентдан фарқли ўлароқ, ижодкорликни талаб қиласи. Шеърий асарлар таржимасида таржимон муаллифнинг рақибиға айланади. Муаллиф услуби, кўлланган образли ифодаларни таржима тилида кайта яратади. Сўз бадиий таржима сифати хусусида борар экан, адекватлик сари интилиш, йўқ деганда, минимум эквивалентликка эришиш билан яқунланиши мумкин. Бу ўзбек халқининг “тоғдек сўрасанг, тепадек беради” наклини эсга солади. Бадиий таржимада таржимон ишни, яъни таржимани эквивалентлик ракурсидан бошлаши маъқул ҳолат эмас.

**Тошмуродов Максуд Хушвақтович (ЎзДЖТСУ), Норкулов Шавкат Тургунбоевич (ГулДУ ўқитувчisi), Қидиров Аброр Қудратович (СамДАҚИ ўқитувчisi), Ғайназаров Бунёд (Анд ҚХАИ ўқитувчisi), Камардинова Чарос Баҳтиёр қизи (ЎзДЖТСУ З-босқич талабаси)
ТАЛАБАЛАРДА ҲАРАКАТ ФАОЛЛИГИНИНГ ЕТИШМАСЛИГИ МУАММОСИ**

Аннотация. Тадқиқотларнинг усулларини танлаши мақсадга ва қўйилган вазифаларга мос равишда амалга оширилди. Ишишимизда тадқиқотнинг кенг тарқалган ва кўп қўлланиладиган стандарт усуллари қўлланилди: адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилини ва тизимлаштириши; жисмоний ривожланишини ўлчаши, ҳаракат тайёргарлигини тестлаши, математик статистика.

Аннотация. Выбор методов исследования осуществлялся в соответствии с поставленной целью и задачами. В нашей работе использовались стандартные методы, которые широко ис-

¹ Қосимова Н.Ф. Лисоний белги асимметрияси ва унинг сўрок гап таржимасида воқеланиши. Ф.ф.ф.д. дисс., Тошкент, 2018, 32-бет.

² Zokirova N.S. (2020). TRANSLATOLOGY AND THE ANALYSIS OF ITS LINGUISTIC MECHANISM. European Journal of Humanities and Educational Advancements, 1(4), p. 21.

³ Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадиий таржима асослари. Тошкент, «Мумтоз сўз», 2011, 8-бет.

MUNDARIJA

21-OKTABR – O'ZBEK TILIGA DAVLAT TILI MAQOMI BERILGAN KUN

G'ayipov Dilshod Qadambayevich. Iстиqlol yillarda davlat tili borasida olib borilayotgan siyosat va yechimini kutilishga ehtiyojiga muammolar xususida ba'zi mulohazalar.....	3
---	---

IQTISODIYOT

Toшкулов Абдуходир Хамидович. Чорвачилик маҳсулотлари etishi shiri shinga ихтисослаштирилган қишлоқ хўжалиги корхоналарини соликка тортиш ҳолати таҳлили.....	6
---	---

FIZIKA-MATEMATIKA

Мадрахимов Рузимбай Машарипович. "Псевдонорма". Израил Моисевич Гельфанд муаммосининг ёчими хамда сонли чизиқли алгебранинг матрица шакллангалиги билан боғлиқ марказий муаммоларидан бирининг ёчими.....	13
Xudoyberdiyeva Malika Karomat qizi. Qora o'ralar atrofidagi elektromagnit maydon.....	17
Turdiyev Temur Taxirovich, Ibragimov Muhiddin Fahreddan o'g'li, Xojibayev Jonibek Maxmudjonovich, Tillayeva Gulzoda Rashid qizi. Bo'lakli bir jinsli bo'limgan g'ovak muhitli qatlama suyuqliklar statcionar filtrasiya masalasi matematik modeli va uni yechishning yaqinlashuvchi-analitik usuli.....	22

AXBOROT TEXNOLOGIYALARI

Бадалов Жасур Исмаилович, Бегмуродов Мухаммаджон Нормурод ўғли. Яроқсизликлар моделлари ва микропроцессорли курилмаларнинг техник маълумотларини таҳлил қилиш принциплари.....	27
Babayazova Nazokat Pulatovna, Qodirov Alibek Hamroyevich, Davletov Rasulbek Marimbayevich, Saidova Maryam Egamberganovna. Oberbek mayatnigi yordamida qattiq jismning inersiya momentinini aniqlash jarayonini modellashtirish.....	30

TIBBIYOT

Тешаев Шуҳрат Жумаевич, Бабажанов Тўлқин Жуманазарович. Морфометрические параметры ободочной кишки при фиброзе легких.....	34
--	----

FALSAFA

Xudaynazarov Nuraddin Shavkatovich. Hadislar diniy ilm sifatida va ularning yoshlar ma'naviyatiga ta'siri.....	36
Бозоров Шуҳрат. Ахмад Дониш қарашларининг ижтимоий-фалсафий моҳияти.....	38
Pulatov Jaxongir Nazirovich. Jamiat barqarorligi – inson taraqqiyotining o'ziga xos mexanizmi sifatida.....	41
Рахмонов Суннатилло Мавлонович. Нақшбандия тасавvuфий таълимотининг Марказий Осиё тариқатлари ривожида тутган ўрни.....	47
Аллабоев Жаҳонгир Джамолидинович. Мехнатдан бегоналашувнинг жамият тараккиётига таъсири.....	50

TILSHUNOSLIK

Qurbanova Muhabbat Matyaqubovna, Xirojiddinova Muattar Mansurovna. Alisher Navoiy g'azallarida rang bildiruvchi sifatlarning konnotatsiyasi.....	53
Эксанова Муқаддамхон Иброҳимовна. Глобаллашув давридаги ўзлашма лексемаларнинг мавзу гурухла-рига доир.....	56
Narzullayeva Firuza Olimovna. Konnotativ ma'noning nutqda voqelanishi.....	59
Салихова Нодира Нуруллоевна. Ўзбек тилидаги ундов сўзларнинг градуал семантикаси.....	62

ADABIYOTSHUNOSLIK

Жўрақулова Насиба Шамуровна. Ахмад Яссавий ижодида эр ва эран образи.....	65
Абдуваҳабова Умида. Отображение исторических событий в произведениях Герберта Бейтса.....	68
Ақрамова Тахмина. Рассуждение о сущности жизни и создания образов в поэме "Тамерлан" Эдгара Аллана По.....	71

PEDAGOGIKA

Мусоева Азиза Ботировна. Чет тилларни билишининг миллий баҳолаш тизими тестининг ўқитувчи билими-ни текширишдаги аҳамияти.....	76
Norquziyeva Zebo Kamalovna. Kognitiv ikki tillilik kasbiy kommunikatsiya sohasida chet tili kompetensiyasini shakllantirish.....	80
Yuldashev Kaxraman Kamulovich. Milliy hunarmandchilik tarixini o'rganishning ahamiyati.....	84

Абдулпаттаев Ҳасанбой Абдураҳмонович. Миллий тарбиянинг таркибий тузилиши.....	88
Primova Go'zal G'ulomjonovna. Ta'limi raqamlashtirish masalalari, aralash va gibrid o'qitish texnologiyalarini.....	91
Qo'chqorov Bahodir O'Imasovich. Mashg'ulotlarda talabalar salohiyatini oshirishda intellektual o'yinlardan foydalanish.....	96
Siddiqov Xasanboy. Oliy ta'lim tizimida tarbiya jarayonining xususiyatlari.....	98
Ражапова Кумуш Машариповна. Она тили таълимида нутқий кўникмаларни ривожлантиришга тизимили ёндашишнинг заруратлари.....	101
Ишмуродова Гулбахор Измуродовна. Texnologiya o'qituvchisi didaktik kompetensiyalarini takomillashtirish.....	105
Мирзаева Гулмера Махманазар қизи. "Миллий каштадўзлик маҳсулотларидан намуна тикиш" мавзусини ўқитишни "Moursund" методи асосида такомиллаштириш.....	109
Аъзамхонов Олтинхон Ашрафхон ўғли. Малака ошириш жараёнида кураш бўйича мурраббийлар касбий маҳоратини такомиллаштириш йўллари.....	113
Atamuratov Rasuljon Kadirjonovich. Muzey pedagogikasining taraqqiyot tarixi.....	115
Машарипов Фарход Турахонович. Проблемы физического воспитания в вузах и пути повышения его эффективности.....	118
Муртазаева Умида Исакуловна. Внедрение инновационных форм лекционных занятий при кредитной системе образования.....	123
Mamatova Dilnoza Bekpulatovna. Improving of Professional Competency in Pre-School Teachers.....	127
Kadirova Munira Rasulovna. Functions of Pedagogy in Medical Education.....	136
Kabilov Habibullo. Pedagogical Culture of Professional Teachers.....	139

ILMIY AXBOROT

Усенова Қизларгул Убайдуллаевна. Этнографик лексика ва унинг тилшунослиқда тадқиқ қилиниши....	142
Отақулов Нодиржон Бахромалиевич. Француз ва ўзбек тилларида микдор ва сифат категорияларида сон хусусиятларининг ифодаланиши.....	145
Салимбеков Нодирбек Улуғбекович. Абулфазл Алломийнинг "Ойиний Акбарий" асарида туркий сўзларнинг кўлланилиши.....	150
Мўминова Мухтасар Одилжановна. «Бобурнома» матнидаги топонимлар таржималарининг лингвопрагматик тадқиқи.....	153
Абишов Генжебай Матжанович. Қорақалпогистон оронимлари тадқиқи.....	155
Мирзаева Вазирахон Муроджон қизи. Француз тилида эпитетнинг стилистик хусусиятлари.....	158
Зокирова Наргиза Савиевна. Бадий шеърий таржимада файрилисоний жиҳатларни саклашда эквивалентлик ва адекватлик тамойиллари.....	160
Тошмуров Максуд Хушвақтович, Норкулов Шавкат Тургунбоевич, Қидиров Аброр Қудратович, Гайназаров Бунёд, Камардинова Чарос Бахтиёр қизи. Талабаларда харакат фаоллигининг етишмаслиги муаммоси.....	163
Қаландаров Болтабой. Маънавиятли ва истеъодди ёш авлоднинг тарбиясида бугунги кун талаблари....	167
Амонтурдиева Шоира. Диний ва бадий матнларнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонлари.....	169
Махмудов Жасурбек. Паҳлавон маҳмуд авлодлари.....	172
Ablakulova Iroda Kamolidinovna. Mark Riz va o'zbek yirik romanı "O'tkan kunlar".....	175
Очилова Вазирахон Рустамовна. Метакогниция – фикрлаш ҳақида ўйлаш.....	177
Исмоилов Фарруҳ Истроил ўғли. Ўзбекистонда регбини ривожлантириш йўллари.....	180
Ахматов Махмуд Салихович, Қидиров Аброр Қудратович, Гайназаров Бунёд, Норкулов Шавкат Тургунбоевич, Камардинова Чарос Бахтиёр қизи. Многоуровневая национальная система массовой спортивно-оздоровительной работы в Узбекистан.....	183
Авазов Комил Холлиевич. Современные факторы формирования угрозоустойчивого общества в системе обеспечения национальной безопасности.....	187
Narzullaeva Aziza Murodillaevna, Masud Ubaydullaevich Karimov, Abdulakhhat Turapovich Jalilov. Determination of Elastic and Strength Properties of Pvc Compositions Using Metal-Containing Stabilizer.....	190
Umarova Sarvinoz Sardorovna. Identifying the Concept of Research Competency in Higher Education Institutions.....	193
Xolmirzayev Yusufali Mahamadsaidovich. Protection of the Earth's Atmosphere and Ozone Layer.....	195